



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

Амалий фанлар кафедраси

Меҳнат фани бўйича

Дарс ишланма

Мавзу: Меҳнат таълими машғулотларининг
моддий техникавий таъминоти масалаларининг
ечимларини топиш

Qarshi-2015 yil.

Меҳнат таълими машғулотларининг моддий техникавий таъминоти масалаларининг ечимларини топиш

Таянч тушунчалар ва атамалар: моддий техникавий таъминот, махсус иншоотлар, кийимлар, жиҳозлар, асбоблар, ускуналар, курулмалар станоклар, машиналар, материаллар, конвейр, автомат, компьютер, макет, модел, муляж.

I.Ташкилий қисм: (5-10 дақиқа)

Саломлашиш, ўқув хонасининг кўриниши, санитария-гигиена ҳолатини кўриб чиқиш, давоматни аниқлаш, тингловчиларнинг машғулотга руҳан тайёр бўлиши, уларнинг диққат эътиборини машғулотга жалб қилиш, унда белгиланган талаблар асосида ташкил этишга киришиш.

Ўтган мавзу такрори (5-7 дақиқа)

1. Концепция сўзи нимани англатади ва моҳияти нима?
2. Фаннинг ўқув методик таъминотига нималар қиради? 3. ДТС нима?
4. Ўқув режа нима? 5. Ўқув дастури нимани ифодалайди?
6. Дарслик нима ва у кимлар чун мўлжалланган?
7. Ўқув кўникмаси нима ва ундан кимлар фойдаланади?
8. Методик ва дидактик материал нима?
9. тарқатмали ва кўргазмали материалларга нималар қиради?
10. ЎТВ нима ва унинг таркибий қисмларига нималар қиради?

Кутиладиган натижа: (Дарс мақсади) Ўқувчиларни ҳудудларда ва минтақада кенг тарқалган ҳунармандчилик турлари билан таништириш. Мамлакатимизда ва минтақада ҳунармандчилик хусусиятлари, ўзига хослиги, йўналишлари ҳақида кенгроқ маълумот бериш.

Машғулот тури:

Ноанъанавий, академик кичик маъруза, саволларга-жавоб.

Таълим методи:

Ҳикоя, маъруза, суҳбат, савол-жавоб муаммоли топшириқлар.

Жиҳозлар: А) Моддий техник: асбоблар, ускуналар, материаллар,

Б) Ўқув методик: А.С. Кулешов. “Материально оснащение трудового обучение” Москва 1987г. Просвещение, 237с.

Машғулот қоидаларини эълон қилиш: (3-5 дақиқа)

Аудиторияда иштирок этаётган тингловчиларни кичик гуруҳларга (ҳар бири 5-6 нафардан иборат) тахсимлаш, гуруҳчаларга номлар қўйиш ва сардорлар белгилаш.

Машғулот қоидаларини илиб қўйиш ва мазмуни билан таништириш:

1. Эркин фикр юритиш. 2. Ўз фикрини лўнда, қисқа баён этиш. 3. Ўзаро ҳурмат кўрсатиш. 4. Бировни танқид қилмаслик. 5. Хушчақчақ, самимий муҳит яратиш. 6. Бошқаларни гапини бўлмаслик. 7. Фаоллик кўрсатиш ва мустақил ҳаракатланиш. 8. Ишчанлик муҳитига эришиш.

Ижобий натижага эришиш шартлари:

Бир тизимлилик, кетма-кетликга риоя қилиш, тингловчиларни машғулотга қизиқтира олиш.

II. Асосий қисм.(40-50 дақиқа)

Янги мавзу мазмуни ва режаси билан таништириш: (2-5 дақиқа)

Режа.

1. Моддий-техник таъминот ҳақида
2. Меҳнат таълимининг моддий-техник таъминоти ва унинг таълим сифат ва самарадорлигини оширишдаги ўрни.
3. Материаллар, асбоб-ускуналар, жихозлар, станоклар.

Янги мавзу: “Меҳнат таълими машғулотларининг моддий техникавий таъминоти.”

Янги мавзу баёни:

Меҳнат таълими ва тарбиясининг моддий-техникавий, хом ашё таъминоти. Материаллар: Табиий, сунъий ва синтетик материаллар. Уларнинг физикавий, кимёвий, биологик, технологик, механик хоссалари тузилиши. Асбоблар, қўл, электр, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган асбоб-ускуналар. Мосламалар, қурилмалар. Станоклар. Металларга, ёғочга, газламаларга ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш станоклари, механизмлари. Станок машина сифатида.

Ўлчаш, режалаш, белгилаш, кесиб ишлаш, тешиш, пармалаш, фрезерлаш, резьба, чиқариш, бўйаш, пардозлаш, рандалаш, арралаш асбоблари ва механизмлари. Ўқитишнинг компьютер ва техникавий воситалари. Овозли ва овозсиз, қўзғалмас ва ҳаракатчан воситалар. Макетлар ва моделлар, муляжлар. Шажаралари ҳақида тушунча бериш керак.

Моддий-техник таъминот: ЎТВоситалари (номи, мақсади, таърифи)

- 1) Материал номи, нусхаси,
- 2) Асбоб-ускуналар номи, сони.
- 3) Станок, машина, агрегат, қурилмалар номи, сони, маркаси, фасони.
- 4) Маҳсус бино, майдонча ва б. жойлар;

В) Таъминот манбалари:

- 5) Давлат, Ўқитувчи, Ўқувчилар;

1-топшириқ: Меҳнат таълимида қанақанги хом ашё таъминоти ишлатилади?

Берилган ват: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Меҳнат таълимида қўйидаги моддий–техник, хом ашё таъминоти ишлатилади ёки тушунчалар берилади:

1.1 Материаллар: табиий, сунъий, синтетик, ёғоч, металл, пластмассалар, лой, гипс, кум, сув, химикатлар, ўғитлар, дезикаторлар, дефолиантлар, шиша, кум, гипс, ганч, оҳак, буёқ, ғиштлар, плиталар, газламалар, пленкалар, елимлар, буёқлар, мойлар, ёқилғилар, суюқликлар, ишқорлар, кислоталар, ванилен, уксус, симлар, бензин, эритувчилар, парфюмерия жихозлари, суяк, тош, цемент, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғлар, дарахтлар, тахталар ва б.

2-Топшириқ: Меҳнат таълимида қанақа асбоб ускуналар ишлатилади?

Берилган ват: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Асбоб – ускуна ва жихозлар

а) Қўл асбоблари – ўлчаш, режалаш – циркул, чизғич, паргор, қалам, пўлат қалам, метрли лента, штангенциркуль, гўния, рейсмус, нутромер, тикрометр, тарозилар, арра, рандалар, искана, болға, болта, кетмон, теша, плоскогубцы, плашка, метчик, белкурак, лопатка, лом, зубило, кернер, парма (бурғу), режа иплар, шовул (шокул),

б) Қўл электр асбоблари – парма, ранда, арралар (ёқилғи билан ишлайдиган), дрель, фрезалар плиткалар, дазмол, эл чойнак, кофейниклар, пуркагичлар, газ плитка конфлароркалар;

в) Станоклар – арралаш, пармалаш, рандалаш, циркуляр, токарлик, чарх, бўйаш, тракторлар – айдаш, юк ташиш, гусеничали (занжирли) ғилдиракли, экскаваторлар, кранлар, бульдозерлар, комбайнлар, экиш, ҳайдаш, юк ташиш агрегатлари, ҳосилни янчиш, саралаш, майдалаш, қайта ишлаш, мосламалари, пуркагичлар, ўғит ташиш, сочиш, дефолиация мосламалари, тегирмон, жувоз, Автомашиналар – енгил, юк, махсус, кранли иш бажариш, «Tiko», «Damas», «Nexia», «Матиз», «Dons», «Lasetti», «Shevrolet», «Эсперо», «Леганза», «Ласетти», «Шевралет», «Москвич», «Газ», «БелАЗ», «КрАЗ», «Запорожец», «Таврия», «Жигули», «Мерседес», «Опел», «Отайўл», «Volvo», «Волга» ва б. лар. ҳақида «Тез ёрдам», «Милиция», «Ўт ўчириш», Цемент қориш, сувоқлик ташиш (Сув, сут, ёқилғи). Машина-карвонлари, кранлар ва б.

ЎТВ – овозли – магнитофон, телевизор, радио, видео магнитофон, наушник, киноаппарат, эпидиаскоп, эпископ, кодоскоп, калькулятор, компьютерлар, принтерлар.

3-Топпириқ: Материаллар хусусиятлари турлари ҳақида маълумотлар бериш. Ишлов бериш технологияси ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Турмушимизда, ҳаётимизда жуда кўп материаллар ва уларнинг ўриндошларидан кенг фойдаланилади. Материалларнинг ҳар бирининг қаттиқлиги, юмшоқлиги, эгилувчанлиги, эластиклиги иссиққа ёки совуққа бардошлилиги, қўёш нури ўтказувчанлиги ёки ўтказмаслиги, пишиқлиги ёки мўртлиги, шаффофлиги ёки қоралигига, кимёвий реакцияга киришувчанлиги ёки киришмаслигига, коррозияга чидамлилигига, мойлашувчанлигига, қовушқоқлиги, ёнувчанлиги ёки ёнмаслигига қараб турли мақсадларда ишлатилади. Ҳар бир соҳада, турли мақсадлар учун қўлланиладиган хом ашё шу соҳанинг материали дейилади. Масалан: машинасозликда пишиқ, эластиклик, мустаҳкамлик каби хоссаларини металллар таъминланмайди. Қурилишда эса, пишиқлик, мустаҳкамлик, енгиллик, иссиқ ва совуқни намни ўтказмаслик каби хоссаларни ёғоч, пластиклар, бетон, ғишт, тупроқ (лой), тош кабилар, ёруғликни ўтказишни, пленкалар, ойналар (шиша) кабилар таъминланмайди. Самолётсозликда ишлатиладиган материаллар енгил ва пишиқ бўлиши лозим. Алюминий, дюралюминий, бу хоссаларни таъминлайди. Кишилар мавсумга қараб, енгил, пишиқ иссиқ ёки эгилувчан, гўзал, чиройли кийимлар кийиши керак. Газламалар, тери, жун, пахта ва синтетик толалар бу хусусиятларни таъминлайди.

4-топпириқ: Материаллар олинишига қараб қандай турларга бўлинади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Материаллар олинишига қараб табиий, синтетик ва сунъий материалларга бўлинади:

5-топшириқ. Табиий материал деб қанақанги материалга айтилади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Табиий материаллар табиатдан бевосита олиб, бирламчи ишлов бериш орқали тўғридан-тўғри фойдаланиладиган хом ашёга айтилади. Масалан, тупроқ (лой), гил (сопол), пахта, жун (газлама), мўйна, рангли материаллар, ёғоч (дарахтлар таналари қисмлари), цемент, қимматбаҳо тошлар кабилардир.

6-топшириқ. Сунъий материал деб қанақанги материалларга айтилади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Табиатда эркин ҳолда ҳам учрайди. Сунъий материаллар эса, асосий таркибий қисмидаги компонентларни физикавий ишлов бериш орқали яратилади.

Улар табиатда эркин ҳолда учрайди. Масалан, темир ва унинг қотишқотишмалари чўян ва пўлат кўринишида ишлатилади, резина-каучукни қайта ишланади, шиша ва цемент, кумни термик қайта ишлаш орқали, вискоза пахтани қайта ишлаш орқали олинади.

7-топшириқ. Синтетик материал деб қанақанги материалга айтилади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Синтетик материаллар турли хил элементлар ва моддаларни химиявий йўл билан синтез ва анализ орқали олинadиган компонентлардир. Синтетик материалларнинг қисмлари ҳам, ўзи ҳам табиий ҳолда учрамайди. Масалан, эфир мойи, этиленгликол ва глицериндан, целлофан, пленка, кленкалар азот ва унинг бирикмалари бўлиб табиий ҳолда учрайди. Шунингдек, қоғоз-целлюлоза ва унинг бирикмалари, нефт ва унинг бирикмалари, қора металл ва уларнинг қотишмалари шулар жумласидандир. Сунъий ва синтетик материаллар тегишли хоссалари учун табиий материалларнинг ўрнига ишлатилади.

8-топшириқ. Ёғоч материаллари ҳақида маълумот беринг?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Ёғоч материаллар табиий ҳолда учрайди, дарахтлар ва уларнинг қисмлари ва қолдиқларидан фойдаланилади:

Дарахтнинг тана қисмидан ғўлалар, бруслар, рейкалар ва тахталар олинса, дасталар, кичик ўлчамдаги рейкалар ва турли хил шаклдаги намуналар шохлари ва илдизларидан олинади. Қипиқлар ва қириндилар прессланиб, ДСП, ДВП, фанера, картон ва бошқалар тайёрланади.

9-топшириқ: Металл материаллар ҳақида маълумот беринг?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Металлар Менделеев даврий тизимида 4 даврга мансуб элементлар бўлиб, деярли барчаси республикаимизда учрайди. Улар қуйидаги хилларга бўлинади: 1) Қора металллар – темир (Fe) ва унинг қотишмалари; 2) Рангли металллар – алюминий (Al), Мис (Cu), Хром (Cr), Олтин (Au), кумуш (Ag) ва бошқалар; 3) Нодир металллар, кобальт (Co), волфрам (W), кадмий (Cd), молибден (Mo) ва бошқалар; 4. Ишқорий металллар: натрий (Na), калий (K) ва б.

Қора металллар металлургия, машинасозлик, қурилишлар (саноат, фуқаро, куприк, харбий техника, сув, газ, тоғ, кон, электр саноатида кенг ишлатилади.

Темирнинг турли хил ҳолатларида углерод билан қотишмаси агар 2 % гача бўлса пулат, 2% дан зиёд бўлса чўян дейилади. Пулат мустаҳкам, оғир, эластик, кўпгина хоссаларга эга ҳолда ишлатилади. Чўян пулатга нисбатан мўрт, эластиклиги кам ва оғир ҳисобланади. Темир табиатда эркин ҳолда учрамайди, доимо кислород (О) билан бирикиб Fe_2O_3 темир III-оксид кўринишида учрайди.

10-топшириқ. Газламалар қандай материаллардан тўқилади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Газламалар ҳам асосан, табиий, сунъий ва синтетик йўл билан олинадиган толалардан тўқилади, кишилар ҳаётида кенг қулланилади.

Табиий газламалар жун, ипак, ва пахта, тивит, зиғир (каноп) толалардан тайёрланади.

11-топшириқ. Жун иплари қанақанги хайвонлардан олинади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Жун иплар турли чорва моллари-қўй, эчки, туялардан олинади. Майин, ярим дағал ва дағал жунлар бўлади. Майин жунлар юнг ва тивит хилларига бўлинади. Тивит эчкилар ва меринос қўйлари майин юнглари олинадиган манбалар ҳисобланади.

12-топшириқ. Туя жунларидан қанақанги буюмлар тўқилади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Туялар жунларидан чакмонлар, жимперлар, белбоғлар тўқилади.

13-топшириқ. Тивитдан қанақанги буюмлар тўқилади?

Тивитлардан эса аёллар рўмоллари, жимперлари, пайпоқлар, шарфлар тўқилади. Жун материаллар иссиқ ва нам ўтказмаслиги, дағал ва пишиқ бўлиши билан қишки ва устки кийимлар тайёрланиши билан характерланади.

14-топшириқ. Ипак материаллари қандай олинади ва ундан қанақа буюмлар тайёрланади?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Ипак материаллар – ипак қурти, пилласидан олинади, пишиқлиги, мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Парашют саноатида, аёллар ички куйлаклари, пишиқ арқонлар тайёрлашда, автомобилсозликда кўп ишлатилади.

15-топшириқ. Пахта ўсимлиги ва ундан тола олишгача бўлган жараён ҳақида маълумот беринг?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Пахта газламалар – республикамизда асосий техника экинларининг ҳосилидан олинади. Пахтанинг ғузаси бир йиллик ўсимлик бўлиб, чигити кўкламда апрель май ойларида экилади. Сентябрь-октябрь ойларида пишади. Пахта ўсимлиги аслида Мексикада (Америкада) дарахт ҳолида ўсадиган ёввойи нави маданийлаштирилган ҳолда тарқалган қўёшсевар кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ингичка толали (Сурхондарё) ва дағал толали турларга бўлинади.

16-топшириқ. Металл сўзининг маъноси нима?

Берилган вақт: 1-5 дақиқа

Мезон 1-5 балл

Металлар юнонча *metalleo* сўзидан олинган бўлиб, маноси қазиейман, ердан қазиб оламан деган маънони англатади.

Металлар ва қоришмалар 2га бўлинади – қора металллар ва рангли металллар. Янги мавзунини мустаҳкамлаш: (7-10 дақиқа)

1. Моддий-техникавий таъминотга нималар киради?
2. Меҳнат таълимида қўлланиладиган махсус бинолар, майдончалар, иншоотлар деганда нималар тушунилади.
3. Меҳнат таълимида ишлатилган материаллар турларини айтинг ва таърифланг?
4. Меҳнат таълимида ишлатиладиган асбоб ускуналар турларини таърифланг?
5. Қўл машиналари, қўл электр машиналари, электрлаштирилган ва автоматлаштирилган машиналарни таърифланг?
6. Ёғочга ишлов бериш қўл ва электр воситалари тўғрисида гапиринг.
7. Металлга ишлов беришда ишлатиладиган асбоб-ускуна ва бошқа жиҳозлар тўғрисида тушунчалар беринг.
8. Газламаларга ишлов бериш меҳнат қуролларини таърифланг.
9. Ошхоналарда ишлатиладиган жиҳозлар асбоб ускуналар, мосламалар тўғрисида айтиб беринг.
10. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладигин меҳнат қуроллари ва қурулмалари тўғрисида тушунчалар беринг.

Машғулотга яқин яшаш ва баҳолаш: (3-5 дақиқа) Дарс мақсади ва вазифаларини яна бир бор эслатиб ўтиш ва унга қанчалик эришилганлигини биргаликда аниқлаш. Мавзу бўйича тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш, мавзунини қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш ҳамда машғулот давомида фаол қатнашган тингловчиларнинг фамилиясини айтиш ва уларга миннатдорчилик изҳор этиш, келгуси мавзулар учун топшириқлар бериш.

Дарс тугаганлигини эълон қилиш

Тестлар.

1. Куйида келтирилган асбоблардан пармалаш асбобларининг номини ажратинг?
а) дастарра б) шерхебель с) калаворот д) ранда е) болға
2. Дурадгорлик устахоналарида ёғочга неча хил аниқликда ишлов берилади?
а) 11 хил б) 7 хил с) 3 хил д) 5 хил е) 6 хил
3. Меҳнат таълими дарсларининг қайси бўлимида ўсимликлар ҳаёти тўғрисида янги маълумотлар берилади?
а) қишлоқ хўжалик меҳнати; б) озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш
с) касбга йўналтириш д) металллар ва ёғочга ишлов бериш
е) ишлаб чиқариш асослари
4. СТД-120 ёғоч токарлик станогининг энг муҳим қисми қайси?
а) станина –асос б) олдинги ва кетинги бабкалар
с) генератор ва тасмалар д) ҳимоя воситалари, тиргак
е) юқоридагиларнинг барчаси
5. Ёғочдан река қирқинишда қандай дастгоҳдан фойдаланилади?
а) пармалаш дастгоҳи
б) СТД-120 ёғоч токарлик дастгоҳи

- с) циркуляр арра (электр); д) СТД-120 пармалаш дастгоҳи
е) циркуляр арра пармалаш дастгоҳи
6. СТД-120 ёғочсозлик дастгоҳида қайси шаклдаги жисмлар кўпроқ тайёрланади?
- а) диаметри кичик узун б) цилиндр ва ярим айланасимон
с) конус, цилиндрсимон д) шар ва призмасимон
е) бурчак ва эгри шаклдаги
7. СТД-120 маркали дастгоҳнинг вазифаси нимадан иборот?
- а) ёғочларни йўниш ва арралаш; б) металлларни қирқиш ва текислаш;
с) деталларни қирқиб, чархлаш; д) цилиндр, конус шарсимон деталларни
йўниш; е) призма ва тетраэдр шаклидаги деталларни ясаш;
8. Машиналарга нималар киради?
- а) автомобиллар, станоклар, тикиш машинаси
б) станоклар, тегирмон, мясорубкалар, дастгоҳ
с) картошка тозалагич, трактор ва автомобиллар
д) куч ўзгаришига мос иш бажарувчи қурилмалар
е) юқоридагиларнинг барчаси
9. ТВ-16 станоги нима иш бажаради?
- а) Ёғоч ва материалларга ишлов бериш
б) металлларни йўнади, қирқади, резба чиқаради
с) материалларда фрезалаш, ўйиш, тешиш ишлари бажарилади
д) ёғоч металл пластмассаларни совуқлайин ишлов бериш
е) юқоридагиларнинг барчаси
10. Кўпинча мактаб устахоналарида ўрнатиладиган электр ЭТ-62 русумли чарх, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилган?
- а) АҚШда б) Францияда с) Олмонияда д) Россияда е) Белгияда